



**ЕР СОЛИГИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА  
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Турсунов Акмалжон Абдурашидович -**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси  
Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш  
департаменти бошқарма бошлиғи ўринbosари

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a32](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a32)

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги қунда республикамизда олиб борилаётган солиқ ислоҳотлари шароитида мавжуд ер солиги, хусусан, бу солиқларининг хусусиятлари, ерлардан самарали ва унумли фойдаланишини янада тақомилластириш мақсадида хорижий мамлакатлар тажрибаси кўриб чиқилади қолаверса, чуқур таҳлиллар асосида илғор хориж тажрибаларини миллий солиқ тизимимизда кўйлаш имкониятлари илгари сурилади.

**Ключевые слова:** солиқ сиёсати, солиқ маъмурориятчилиги, солиқ тизими, солиқ базаси, тўғри солиқлар, ер солиги, мол-мулк солиги, хорижий мамлакатлар солиқ тизими, солиқ объекти.

**ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ЭФФЕКТИВНОЙ  
ОРГАНИЗАЦИИ АДМИНИСТРИРОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНОГО НАЛОГА**

**Турсунов Акмалжон Абдурашидович -**  
Заместитель начальника отдела обслуживания  
налогоплательщиков Государственного налогового  
комитета Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье в условиях проводимых сегодня в нашей республике налоговых реформ, в частности действующего земельного налога, рассмотрены особенности этих налогов, опыт зарубежных стран по дальнейшему повышению эффективности и производительности использования земли, рассмотрены, а возможности применения передового зарубежного опыта в нашей национальной налоговой системе продвигаются на основе глубокого анализа.

**Ключевые слова:** налоговая политика, налоговое администрирование, налоговая система, налоговая база, собственные налоги, земельный налог, налог на имущество, налоговая система зарубежных стран, объект налогообложения.

**POSSIBILITIES OF USING THE EXPERIENCES OF FOREIGN COUNTRIES IN EFFECTIVE  
ORGANIZATION OF LAND TAX ADMINISTRATION**

**Tursunov Akmaljon Abdurashidovich -**  
Deputy Head of the Taxpayer Service Department of the  
State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** In this article, in the conditions of the tax reforms carried out today in our republic, in particular, the existing land tax, the characteristics of these taxes, the experiences of foreign countries in order to further improve the effective and productive use of land are considered, and the possibilities of applying advanced foreign experiences in our national tax system are advanced based on deep analysis.

**Key words:** tax policy, tax administration, tax system, tax base, proper taxes, land tax, property tax, tax system of foreign countries, tax object.

**Кириш.** Солиқлар бажарадиган функция ва вазифаларга маҳаллий солиқлари нұқтаи назаридан ёndoшсак, ер солиги мамлакат солиқ тизимининг таркибий қисми сифатида солиқлар бажарадиган функция ва вазифаларни бажаради. Жумладан, ер солиги давлат бюджетини муайян манбалар билан таъминлайди, яъни фискал функцияни бажаради. Шунинг билан бирга, солиқлар амал қилиш механизмига кўра табиий ресурслардан фойдаланишини тартибга солиш ва рағбатлантириш аҳамиятига ҳам эга бўлиб, ўз навбатида табиий ресурслардан тўғри

ва тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича назорат функциясини ҳам бажаради.

Ер солигининг иқтисодий моҳиятига кўра, уларни жорий этишдан мақсад табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишини рағбатлантириш, маҳаллий бюджет даромадлар қисмини тўлдириш вазифасини бажаради. Шунингдек, давлат бюджетига молиявий ресурслар жалб этиш, бу жараёнда биринчи навбатда, бюджетдан табиий ресурсларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улар сифат ҳолатини яхшилашга қаратилган харажатларни молиялаштиришдан иборатдир. Янги мустақил давлатлар-

нинг ташкил топиши туфайли фондлар учун тўловлар ва мулкка эгалик қилишни солиқ воситасида бошқаришнинг амалдаги бўлган ҳужжатлари ўз кучини йўқотди.

Ишлаб чиқариш фондлари учун тўловлар бекор қилинган пайтдан бошлаб то мол-мулк солиги жорий этилган давргача, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида юридик шахсларга таъсир кўрсатиш имконини берувчи иқтисодий восита йўқ эди. Шу боис даромадларни шакллантириш ва ижтимоий бойликни тақсимлашнинг янги шарт-шароитлари солиқлар таъсир доирасида кенгайтиришни, барча хўжалик юритувчи субъектларга тенг солиқ тартибини таъминлаши учун янги обьектларини солиққа тортиш доирасига кўшишини кўзда тутади, шунингдек бозор муносабатлари шароитида мулкий муносабатлар соҳасини бошқариш механизмини янада ривожлантириш ниҳоятда заруратга айланди.

ФАО ташкилотининг маълумотига кўра ер ресурслари дунё бўйлаб нотекис тақсимланган, аҳолиси паст даромадга эга бўлган мамлакатлар жаҳон ер ресурсларининг атиги 22 фоизига эга, аммо уларда дунё аҳолисининг 38 фоизи истиқомат қиласди, ўрта даромадли мамлакатларда улар мос равишда 53 ва 47 фоиз, юқори даромадли мамлакатларда эса 25 ва 15 фоизни ташкил этади[1].

Бугунги қунда ерлардан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш масаласига давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келиняпти. Чунончи, Президентимиз Ш.Мирзиёев расмий чиқишлиарининг бирида “Ҳар қарич ер – давлатнинг, демакки, халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ундан ноқонуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ” деб таъкидлаган эди[2].

Афсуски, табиий иқлим ва ер рельефининг ўзгариши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, сув ресурсларининг йилдан-йилга танқисланиб бораётгани, аҳолининг демографик хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар бу мавзуга қайта ва қайта мурожаат қилишни талаб қилмоқда. Бу муаммолар ер куррасининг барча нуқталарида юзага келаётганлиги сабаб хорижлик олимлар билан бирга мамлакатимизда ҳам шу соҳа вакилларини бирдек ташвишлантириб, шу мавзуни чуқурроқ ўрганиш ва истиқболдаги иқтисодий ислоҳотларга хизмат қиласиган солиққа тортишни самарави ташкил этиш заруратини келтириб чиқармоқда, бунинг замирида эса ер участкаларидан самарави фойдаланишни такомиллаштириш масаласи ётади ва биз ушбу заруратларни мақоламизда тадқиқот обьекти сифатида белгилаб олдик.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ер солиғининг келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади. Демак, бу борада олимлар томонидан изланиш ва тадқиқотларнинг бошланиши узоқ ўтмишга бориб тақалиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Ҳар бир изланувчи ўзининг тадқиқотларида ер ресурсларидан самарави фойдаланишни солиқлар воситасида тартибга солиши юзасидан ўзига хос назарий қарашлар ва фикрларни келтириб ўтган. Хусусан, ер солиғи белгиланишининг иқтисодий асослари XVIII-XIX асрларда янада мустаҳкамланди. Физиократлар даромадни оширишнинг ўзига хос усувларидан бири ерни солиққа тортиш йўли орқали эканлигини таъкидлашди[3]. Уларнинг назарияси бўйича ерларни солиққа тортиш йўли билан ерлардан унумли фойдаланиш ва ҳосилдорлигини оширишга эришиш мумкинлиги таъкидланади. Шунинг учун ерларни солиққа тортилиши ижтимоий жиҳатдан ижобий фойда келтиради. Физиократларнинг бу иши кейинги иқтисодчи олимлар учун ер солиғи назариясини қуришда асос ҳисобланди.

A.Smit ерларни солиққа тортища икки қисмга ажратган ҳолда солиқ солиши лозимлигини келтириб ўтган бўлса[4], D.Ricardo ер солиғи (рентаси) маҳсулот яратишга кетган турли хил харажатларни қоплангандан кейин қолган маблағлигини таъкидлайди. Унинг назарияси бўйича «Ер(рентаси) даромадидан солиқлар иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатмайди, чунки бундай солиқ ишлаб чиқаришга тўсқинлик қиласди» деб таъкидлайди[5]. Genri Jorj “Тараққиёт ва қашшоқлик” китобида ер солиғи ҳақидаги ерлар сотилаётганда ерни ҳамма фуқарога тўлиқ тақсимлаб бўлмаслигидан келиб чиқиб изоҳланган бўлса[6], Roakes “Ернинг бошқа маҳсулотлардан ажralиб турадиган ўзига хос хусусиятлари ернинг жойлашган жойидаги афзалликлари, бардошлилиги ва ҳаракатсизлиги билан боғлаган” деб фикр билдирган. Ушбу белгиларга мувофиқ, ердан олинадиган солиқни ундириб бўлгандан кейин қайтариш ёки олдинроқ ундириб бўлмаслигини ва булар орқали ердан фойдаланишни мақсадини бузиб юбормасликни таъкидлайди[7].

Шунингдек, маҳаллий олимларимиздан Файбуллаев ва Ўроқов ресурс солиқлар ва бошқа тўловлар орқали шакллантириладиган маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини шартли равишида икки гурухга ажратиб тадқиқот олиб борган бўлсалар [8], профессор Т.Маликовнинг қайд этишича, “Солиқ тизимининг замонавий концепцияларида ресурс солиқлари давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий майдонга чиқади. Фойда ёки даромаддан олинадиган солиқни кескин камайтириш ёки уларни умуман бекор қилиш, бу солиқларни мол-мулқдан, ердан ва ресурслардан оли-

надиган солиқлар ва тўловлар билан алмаштириш ёки қўшилган қиймат солиғини кескин камайтириш, фойда солиғини пасайтириш ва уларни табиий ресурслардан фойдаланганлик учун олинадиган рента тўловлари билан алмаштириш, саноатни қазиб чиқарувчи тармоқларини юқори даражадаги солиққа тортиш лозим” дея бу масалаларга эътибор қаратади[9].

Қолаверса, британиялик мутахассислардан бири Ламперт “Биз иқтисодий адолат ва шахсий мулк хуқуқини ҳақиқатан ҳам ҳурмат қилиш ғояларини ўзига жамлаган солиқ тизимиға муҳтожмиз” деб ўз мулоҳазаларини илгари сурган. Ушбу Лампертнинг(1993) таърифи билан шахсий мулк хуқуқини ҳурмат қилиш ғоялари орқали ресурс солиқлар ўрнини мустақил давлатимизда ошириш зарурати йилдан-йилга мулкдорлар синфи пайдо бўлиши, давлат мулкларини хусусийлаштиришга катта эътибор берилиши билан бир қаторда пайдо бўлмоқда[10]. АҚШда кўчмас мулк солиғи тўғрисида АҚШ иқтисодчи профессори Хиви “Маҳаллий солиқлар орасида кўчмас мулк солиғи жуда зарур ва моҳиятли эканлигини кўрсатиб, солиқ тушумларининг штатлар бюджетига ва маҳаллий ҳокимиятлар бюджетига бўлиниши нуқтаи назардан аниқ вазифани бажармоқда” дейди[11].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот методологияси сифатида бутун иқтисодий ҳамжамият доирасида ҳамда республикамиз солиқ тизимида олиб борилаётган солиқ ислоҳотларива тартиблари, малакатимиз Президенти қарор ва фармонларини чуқур ўрганиш давомида анализ ва синтез ва иқтисодий математик усувлар, илмий мушоҳада, маълумотларни гуруҳлаш ҳамда прогнозлаш орқали назарий таҳлил усувларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ер солиғининг иқтисодий моҳияти замирида уларни жорий этишдан мақсад табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, маҳаллий бюджет даромадлар қисмини тўлдириш каб вазифалар ётади. Шунингдек, давлат бюджетига молиявий ресурслар жалб этиш, бу жараёнда биринчи навбатда, бюджетдан табиий ресурсларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улар сифат ҳолатини яхшилашга қаратилган харажатларни молиялаштиришдан иборат. Сўнгги йилларда республикамизда ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомилага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизмла-

ри мавжуд бўлишига қарамай, минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ер участкаларида якка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этиш ҳолатлари хали ҳамон учраб турибти.

Бу каби турли ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, ер солиғи йигилувчанлик даражасини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш ва бунинг замирида бизга азалий мерос ҳисобланган ерлардан самарали фойдаланиш методларини ишлаб чиқиши масаласи пайдо бўлади. Албатта, биз бундай холларда илғор мамлакатлар тажрибалари, хорижий мамлакатлар солиқ тизимининг самарали усувларига мурожат қиласиз ва таянамиз. Қуйида эса энг ривожланрган мамлакатлар солиқ тизимидағи ер солиғига оид стратегия ва тактикаларни кўриб чиқамиз.

**Германия солиқ тизими.** Бу давлат солиқ тизимида ерлар солиққа тортиш мақсадига кўра куйидаги икки гуруҳга ажратилган[12]:

- қишлоқ хўжалигига ихтисослашган юридик шахсларнинг мулкида бўлган ер участкалари;
- юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлган ер участкалари

Ер участкалари бўйича тўланадиган солиқлар корхоналарнинг молиявий натижаларига боғлиқ эмас. Ер солиғини ер эгалари ҳамда ерни ижарага олганлар ҳам тўлаши мумкин. Ижарага олганлар ер солиғи суммасини “Nebenkosten” харажатлари таркибиға киритадилар. Солиқ ставкалари икки қисмдан иборат: марказий белгиланадиган ва давлат бошқарувининг энг қуи табақаси томонидан белгиланган қисми. Давлатнинг ижтимоий аҳамиятига молик ташкилотлар ер солиғини тўлашдан озод қилинган (Масалан: черковлар, нотижорат ташкилотлари, ўқув муассасалари, давлат ғазнасидан молиялаштириладиганлар).

Германияда ерлар “A” ва “B” тоифаларга ажратилади.

“A” – қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг ерлари;

“B”- бошқа ер участкалари

Солиқ обьекти ер участкаси ва унда қурилган бино иншоотнинг биргалиқдаги қийматидан иборатдир.

“A” гуруҳ ерлари учун 0,246 фоизли ставка ва “B” гуруҳ ерлари учун 0,423 фоизли ставка белгиланади. Бундан ташқари, ердан фойдаланиш мақсадига кўра тузатувчи коэффициентлар ҳам қўлланилади. Масалан қишлоқ ва ўрмон хўжалигига 0,6 фоизли коэффициент қўлланилади. Шунингдек, уй-жой қурилиши учун ажратилган ерларда уй жойнинг нархига ва истиқомат қиладиган оиласлар сонига кўра қуйидаги коэффициентлар белгиланган:

- ✓ 75000 ДМ гача бўлган бир оиласга тегишли уйлар учун 0,26 %;

- ✓ 5000 ДМ дан юқори бир оиласа тегишли уйлар учун 0,35 %;
- ✓ Икки оиласа тегишли уйлар нархидан қатъий назар 0,31 %;
- ✓ Бошқалар учун 0,35 %.

Юридик шахсларга ер участкаси учун тұланған солиқни фойда солиғи базасидан чегиришга рухсат этилади.

Германияда қишлоқ хұжалиги учун ишлатыладиган ерларни баҳолаш уларнинг “ишлаб чиқариш имконияти” дан келиб чиқиб аниқладади. Бу күрсаткіч ерни самарали ишлатыш натижасыда олинган соф даромадни 18 мартаға оширилган қыйматни ташкил этади. Хусусан, бу қыйматни ҳисоблаб чиқаришда тупроқ сифати ва бошқа іктисодий параметрлар ҳам инобатта олинади ва бу “стандарт солиқ қыймати” деб юритилади. Ерларнинг бозор қыймати солиққа тортиладиган қыйматдан күра анча юқори юради. Ҳозирғи кунда Германияда қишлоқ хұжалиги мақсадларида фойдаланилаётган ерларнинг ўртача қыймати 1000 дан 2000 немис маркасы атрофида айланади.

**АҚШ солиқ тизими бўйича** ер солиғи жисмоний ва юридик шахсларнинг эгалигига бўлган мулкларидан солиқ қонунчилигига асосланган ҳолда куйидагиларни ўз ичига қамраб олади[13]:

- ✓ Ерлари;
- ✓ Табиий ресурслари;
- ✓ Бинолари;
- ✓ Уй-жойлари;
- ✓ Станоклари;
- ✓ Бошқа жиҳозлари.

Солиқ мажбурияти солиққа тортиладиган базанинг тегишли солиқ ставкасига кўпайтмасига teng. Мол-мулк солиғининг солиққа тортиладиган базаси мулкнинг қайта баҳоланган қыйматидир. Бу маълум бир аниқ мулкнинг (*ер майдонининг*) доллар баҳосидаги қыйматини белгилайди. Бу АҚШда жойлашган ҳудудига қараб ҳар бир мулкнинг бозор баҳоси маълум фоизда фарқланади. Бу фоиз баҳолаш коэффициенти дейилади. Бундан келиб чиқиб, ер майдонининг солиққа тортиладиган қисми баҳоланган қыйматига қараб катта фарқланади. Масалан, Айдаҳо штатининг Бойса шахрида баҳолаш коэффициенти 100 %га teng шу сабабли ҳақиқий ва номинал ставкаси бир хил-1.95 %. Нью-Йорк штатида баҳоланган қыйматидан солиққа тортиладиган қисми 8.9 % белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб мулкнинг ҳақиқий ва расмий баҳолари ўртасидаги фарқ жуда каттадир: 0.85 % ва 9.54 %. га мос келади.

Охирги йилларда АҚШдаги жами кўчмас мулкнинг бозор қыйматига нисбатан 30-33 % солиққа тортилади. Баҳолаш ҳар 2-3 йилда ўтказилади. Ушбу баҳолашда амортизация чиқимла-

ри (ажратмалари) даражаси ва шу пайтдаги бозор баҳоси инобатта олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан референдум бўйича фоиз ставкаси 1 дан 3 фоизгача фарқ қилиб туради.

Маҳаллий ҳокимият органлари белгиланган ваколат доирасида маҳаллий бюджет тушиларининг ҳолатига қараб маҳаллий солиқ ставкаларига ва солиққа тортилаётган мулкнинг баҳолаш нархи билан қиёсий бозор баҳосига қисман ўзгариш киритиши мумкин. Бу тартибдаги баҳолаш кейинги йилларда турли хилдаги мулкларга кўлланилиши оммалаштирилмоқда. У ёки бу турдаги мулкларни баҳолашдаги меъёрий ўзгаришлари солиқ ставкасининг кўтарилишига сабаб бўлади, бу эса баъзи солиқ тўлашга мойиллиги кам бўлган солиқ тўловчиларга ёқиб тушмайди. АҚШда ер солиғининг базаси сифатида кўчмас мулк обьектининг қыймати олинади. АҚШ қонунчилигига асосан кўчмас мулк обьектлари солиқ солиши мақсадида қуидагида тўрт гурухга ажратилган:

- ✓ Бизнес ва тижорат мулклари
- ✓ Инвестицион мулклар;
- ✓ Яшаш учун мўлжалланган мулклар;
- ✓ Сотиш учун мўлжалланган мулк объектлари.

АҚШ штатларининг 47 тасида ер солиғи бўйича турли хил преференциялар берилган. Масалан, штат администрацияси билан ерларни узоқ муддатга(10-20 йил) қишлоқ хұжалиги мақсадларида фойдаланиш учун шартнома имзоланадиган бўлса, фермерларга даромад солиғидан пасайтирилган ставкаларни қўллашга рухсат этилади ёки солиқ таътиллари берилиши мумкин.

АҚШда ер солиғининг йигилувчанлик даражаси 100 фоизга этади. Солиқ ҳар йили йигилади, тўлаган субъектлардан ер участкалари гаров тарзида олиб қўйилади ва кейинчалик тўланмаганда 3 йилдан сўнг аукцион орқали сотилади. Бу күрсаткіч Францияда 90 фоиз, Канадада 95 фоизни ташкил этади. Мазкур давлатларнинг барчасида солиқ тўламаганларга нисбатан қатъий чоралар белгиланган. Ушбу меъёри мамлакатимиз тажрибасида ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Чехия давлати солиқ тизимида** ер солиғи кўчмас мулк солиғининг таркибида ундирилади. Кўчмас мулк солиғининг суммаси 1000 (40 Евро) крондан ошиб кетса, солиқ суммаси йилига teng улушларда 4 марта тўланади. Агар 1000 крондан кам бўлса, бир марта 31 майга қадар тўлаб берилади. Солиқ ҳисоботи ўтган йил натижаларига кўра 31 январгача тақдим этилади. Кўчмас мулк солиғи турли хил мулк обьектлари курилган ер участкасининг метр квадратидан келиб чиқиб ҳисобланади. Масалан, яшаш учун мўлжалланган кўпхонали уйлар

- 1 крона/кв.м, шахсий ҳовлилар ва дачалар - 3 крона/кв.м, алоҳида турган гаражлар - 4 крона/кв.м, саноат объектлари - 5 крона/кв.м учун. Квартиralарда базавий ставка 1,2 га кўпайтирилади. Кўп қаватли уйларда биринчи қаватдан кейинги қаватлар 0,75 крон/кв.м учун тўланади. Шунингдек, аҳолисининг сонига кўра қўйидагича тузатувчи коэффициентлар ҳам белгиланган[14]:

- ✓ Аҳолиси сони 300 кишигacha -0,3;
- ✓ Аҳолиси 300-600 гача - 0,6;
- ✓ Аҳолиси 600-1000 гача - 1,0;
- ✓ Аҳолиси 1000-6000 гача - 1,4;
- ✓ Аҳолиси 6000-10000 гача - 1,6;
- ✓ Аҳолиси 10000- 25000 гача - 2,0;
- ✓ Аҳолиси 25000- 50000 гача - 2,5;
- ✓ Аҳолиси 50000 дан юқори Франтишковы, Лазне, Марианске Лазне ва Подебрады шаҳарлари учун - 3,5;
- ✓ Прага шаҳри учун - 4,5

Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерларга қўйидагича ставкалар белгиланган:

- Унумдор елар, хмелниклар, узумзорлар, томорқа ва боғлар - 0,75 % ернинг белгиланган қиймати квадрат метрга кўпайтирилиб, шунга нисбатан ставка қўлланилади (ернинг қиймати сифатига кўра Чехия Республикасининг марказий органлари томонидан аниқланади);
- Майсазор, яйловлар ва ҳовузлар эгаллаган участкалар - 0,25 % ернинг белгиланган қиймати квадрат метрга кўпайтирилиб, шунга нисбатан ставка қўлланилади;

**Франция давлати солиқ тизимида** ер солиғини ҳамма ер эгалари тўлайди. Ҳисоб китоб базаси 1 га ерни баҳолангандан қиймати ёки ижара тўловини мумкин даражадаги қиймати ҳисобланади[15]. Бу давлат солиқ тизимида ер солиғи қурилган ва қурилмаган тоифали участкаларга ажратилган. Солиқ ҳамма кўчмас мулкка тааллуқли иморат, иншоот, резервлар ҳамда тижорат ва саноат мақсадида ажратилган ер участкалари киради. Солиқ базаси ер участкасининг ижара қийматининг ярмига тенг бўлади.

Курилмаган ерга солинадиган солиқ дала-лар, яйлов, ўрмон, ботқоқлик, шўр тупроқ ерлар, очиқ конлар, иморат қуриш мумкин бўлган участкалар ва бошқаларга тегишли солиқ ҳисобланади. Солиқ базаси аренда қийматининг 80 %ни ташкил қиласди.

**Япония давлати солиқ тизимида** ер солиғи ернинг қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқилади. Ер солиғидан уй-жой қурилиши учун ажратилган ерлар, айrim қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ерлари ва ижтимоий манфаат учун фойдаланиладиган ерлар солиқ солишдан озод қилинади. Шунингдек, ер солиғи бўйича ернинг қийматига фойдаланиш мақсадига қараб чегирмалар қўлланилади[16].

Тўланадиган солиқ ҳажми солиқ базасидан чегирмалар чиқариб ташлангандан сўнг белгиланган ставкага кўпайтириш асосида ҳисоблаб чиқилади.

**Хиндистон давлати солиқ тизимида** ер солиғи бошқа давлат қаби кўчмас мулк солиғи сифатида унинг белгиланган қийматидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги тўрут тоифага ажратган ҳолда ундирилади[17]:

- Ер солиғи - ернинг энг оддий шаклда қурилиш ёки уни такомиллаштириш учун берилган ерлар;
- Ер ва унга қурилган кўчмас мулклар билан биргалиқдаги солиқлари;
- Кўчмас мулк бўлмаган обьектлар авторувлар;
- Номоддий мулклар.

Шунингдек, Хиндистон солиқ қонунчилигига асосан, агар солиқ тўловчида биттадан ортиқ кўчмас мулк обьектига эга бўлса, яшаб турган уйдан ташқари кўчмас мулкнинг аниқ қиймати солиқ тўловчининг даромади ҳисобланади ҳамда уй жойдан тушган даромадлар деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда солиқقا тортилади.

**Хитой Халқ республикаси солиқ тизими.** Бу мамлакатда ер солиғи тўловчилари шаҳарлар ва туманларда жойлашган солиққа тортиладиган ер участкаларидан фойдаланаётган корхона ва ташкилотлар ҳисобланади[18]. Ер солиғи обьекти солиқ тўловчи томонидан фойдаланиб келинаётган ер участкаси ҳисобланади. 1 метр квадрат учун солиқ ставкалари қўйидаги ставкалarda солиққа тортилади:

- Катта шаҳарларда - 1,5 юандан 30 юангача;
- Ўрта шаҳарларда - 1,2 юандан 24 юангача;
- Кичик шаҳарларда - 0,9 юандан 18 юангача;
- Бошқа шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларига - 0,6 юандан 12 юангача.

**Австрия давлат солиқ тизимида** молмулк солиғининг обьекти сифатида бутун мамлакат худудида жойлашган кўчмас мулклар қиймати асос қилиб олинади. Бу солиқнинг ҳисоби мулкларни солиқ органлари томонидан баҳолангандан қийматига асосан олинади[19]. Солиқ ставкаси ўртача 0,8 % бир йилга ва тўлаш муддатлари 15 февраль, 15 май, 15 август, 15 ноябрь.

Тугалланмаган қурилишлар (ишлаб чиқаришга боғлиқ майдонлари билан биргалиқда) баҳолангандан қиймати 2000 минг австрия шилингидан ошса, ер солиғи обьекти ҳисобланади ва унинг ставкаси 1 % ҳисоботга асосан 200.0 минг австрия шилинги миқдоридаги солиққа тортилмайдиган қийматини чегириб ташлаган ҳолда

солиқ ҳисобланади. Ер солиги ҳам кварталларга бўлган ҳолда тўланади.

Швеция солиқ тизимида ер солиги кўчмас мулк солигининг таркибида ундирилади ва давлат бюджети даромадларининг 2,4 фоизини ташкил қиласди. Швецияда кўчмас мулк солигининг ставкаси кўчмас мулк баҳосининг 0,7-0,8 фоизини ташкил этади. Кўчмас мулкни солиқга тортишда юридик ва жисмоний шахсларга бир хил солиқ режими ўрнатилган. Швециянинг Ер кодексига асосан ер кўчмас мулк ҳисобланади. Ерлар кўчмас мулк бирлигига бўлинади. Агар ер участкаси кўл қирғоғида жойлашган бўлса, сув бўйининг қирғоқ қисми кўчмас мулк бирлиги сифатида мулкнинг қийматига киритилади. Швецияда мерос тариқасида олинган кўчмас мулклар 2006 йилдан бўён солиқга тортилмайди. Бошқа Европа ривожланган давлатлардан фарқли равишда Швецияда мазкур солиқнинг ставкалари факат давлат томонидан белгиланади[20].

**Россия Федерацияси солиқ тизимда –** солиқ тўловчилар бўлиб, мулк ҳуқуқи, фойдала-

ниш ҳуқуқи ёки умрбод мерос қилдириб қолиш ҳуқуқи билан ер участкасига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади[21].


Солиқ базаси ер участкасининг кадастр қиймати ҳисобланади. Ер участкасининг кадастр қиймати тўғрисидаги маълумотлар интернетдаги расмий сайтда жойлаштирилади.

Ер участкасининг қийматидан келиб чиқиб, куйидаги икки хил солиқ ставкаси қўлланилади:

1. Қишлоқ хўжалиги ерлари, уй-жой коммунал хўжалик обьектлари, уй жой қуриш учун сотиб олинган ер участкалари, якка тартибдаги фермерлик боғдорчилик, чорвачилик учун сотиб олинган ер участкаларига – 0,3 %

2. Юқоридаги тоифада келтирилган ер участкаларига кирмайдиган обьектлар учун 1,5 %;

Солиқ органлари томонидан солиқлар Кадастр органлари томонидан тақдим этган маълумотлар асосида белгиланган ставкаларда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.



**1-расм. Хорижий мамлакатларда амал қиладиган кўчмас мулк солиғи ставкалари(%да)**

**Манба:** Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Юқоридаги расмда керилган маълумотлар кўрсатадики, Япония солиқ тизимида оддатдаги солиқ ставкаси 1,4 %ни ташкил этиши билан етакчилик қиласа, Чехия 0,25 %ставка билан энг қўйи поғонада туради.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларини фуқаролар ва фермер хўжаликлари сотишнинг (ижарага беришнинг) хориж тажрибаси ўрганилганда қуидагилар аниқланди:

❖ Эстонияда давлат нархларни тартиб-га солища бевосита иштирок этмайди. 2011 йилдан бери қишлоқ хўжалигидаги ерларини сотиб олиш бўйича чекловлар бекор қилинган. Сотишдан олинадиган солиқ 2 %, 1 гектар ернинг баҳоси ўртача 5 минг АҚШ доллари, шунга қара-

май, 60 фоиздан кўпроқ ерлар ижарага олиб фойдаланилади;

❖ Болгарияда қишлоқ хўжалиги ерларининг 98 фоизи фуқаролар ихтиёридадир. Ерлар мамлакатда 5 йилдан ортиқ;

❖ Истиқомат қилган фуқароларга ва юридик шахсларга берилади. 1 гектар ернинг ўртача қиймати 4,6 минг АҚШ доллари;

❖ Польшада фуқаролар 500 гектаргача экиладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларини сотиб олишлари мумкин. 2016 йил 1 майдан бошлаб, Европа иттилоғи фуқаролари учун чекловлар бекор қилиниши натижасида 1 гектар ер майдонининг нархи 10,3 минг АҚШ долларини ташкил қилган;

❖ *Англияда* фермер хўжалиги ташкил этиш бизнеснинг бир тури сифатида юқори та-  
лабга эга бўлмасада, бироқ буни улар барқарор  
ва ишончли сармоя тикиш воситаси сифатида  
қарайдилар. Яъни, 1 гектар ерни сотиб олиш  
учун 31,4 минг АҚШ доллари тўланилиши  
керак;

❖ *Германияда* қишлоқ хўжалиги ерларин-  
инг 1 гектарининг нархи 32,3 минг АҚШ дол-  
ларни;

❖ *Голландияда* қишлоқ хўжалиги майдон-  
ларининг нархи 1 гектарига 63,7 минг АҚШ дол-  
ларини ташкил қилиб, ерларнинг қарийб 90  
фоизи хусусийлаштирилган;

❖ *Швецарияда* қуруқликдаги ер майдон-  
ларининг қарийб 100 фоизи хусусийлаштирил-  
ган. Ернинг максимал ажратилиш майдони ма-  
ҳаллий ҳокимият томонидан тартибга солина-  
ди. Ерни минимал ижарага бериш муддати  
9 йил. Ер майдони қандай мақсадларда олинган  
бўлса ушбу мақсадда ишлатилиши шарт.  
1 гектар ер майдони 70 минг АҚШ долларини  
ташкил қиласди;

❖ *АҚШ, Канада ва Бразилияда* 1 гектар ер-  
нинг нархи 10 минг АҚШ доллардан бошланади.  
Ерлар маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари  
аукцион ва танловлар асосида мулк ҳуқуқини  
бериш, ижарага олиш ва алмашиш асосида амал-  
га оширилади.

Мазкур кўрсатиб ўтилган давлатларнинг  
тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ер майдонлари  
фуқаролар ва фермер хўжаликлариға сотилган-  
дан сўнг, унда етиштириладиган маҳсулот тур-  
ларини ернинг ижарага оловчиси (мулкдори)  
ҳал қиласди яъни бунда давлат аралашуви ишти-  
рок этмайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан  
келиб чиқсан ҳолда хулоса қилсак, ерларни со-  
лиққа тортиш орқали маҳаллий давлат бюджети  
даромадларини шакллантиришда асосий  
манба сифатида қарамоғимиз лозим, бироқ бу  
солиқ миқдорлари ердан самарали фойдалан-  
масликка олиб келмаслиги даркор.

Ер солиги маҳаллий бюджетнинг асосий  
қисми бўлганлиги сабабли, айни кунларда ер  
солиги борасида олиб борилаётган солиқ тизи-  
мидаги мавжуд муаммоларни кўриб чиқиш ва  
ечимларини бериш зарурлигини муқаррар этиб  
қўймоқда. Қолаверса, ерлардан унумли фойда-  
ланиш натижадорлигини ошириш борасида  
иқтисодий дастак ҳисобланган солиқларнинг

рағбатлантириш тамойилларидан кенг фойда-  
ланиш энг самарали йўл эканлигини инобатга  
олган ҳолда хорижий мамлакатлар тажрибаси-  
дан келиб чиқиб, бир қатор илмий таклифларни  
ишлаб чиқдик:

1. Ўрмон фонди ерларида жисмоний ва  
юридик шахслар чўл худудларида жойлашган,  
сув билан таъминланмаган ва ўрмон билан қоп-  
ланмаган ерларда чўл ва яйлов ўсимликларидан  
“яшил қопламалар”- химоя дараҳтзорлари ва  
маҳсулдор яйловзорлар барпо этиш учун лойи-  
ҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ, ўзлаштирил-  
ган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида бар-  
ча солиқлардан озод этиш лозим;

2. Эгалигидан биттадан ортиқ ер участкаси  
мавжуд бўлган жисмоний шахслар асосий турар  
жойи бўлмаган обьектлар учун оширилган со-  
лиқ ставкасида солиқ тўлаш тартибини жорий  
қилиш лозим.

3. Ерга эгалик қилувчи шахсларга бозор  
шароитини ўрганган ҳолда қонун ҳужжатлари-  
да етиштириш таъқиқланмаган ихтиёрий маҳ-  
сулотларни экиш ва етиштириш учун имкониятлар  
яратиш керак;

4. Йирик солиқ тўловчилар томонидан  
ўрмон фондининг фойдаланилмаётган бўш тур-  
ган очиқ ер майдонларида дараҳтзорлар барпо  
этилганлиги учун жалб қилинган дарёлар, ка-  
наллар ва бошқа сув обьектларидан сув чиқа-  
риш воситаларини ўрнатиш ҳамда қуриш, сув  
тежовчи технологиялардан томчилатиб, ёмғир-  
латиб суғориш тизимларини ўрнатиш ва ишга  
тушириш, қуёш панеллари ёрдамида электр  
энергиясини ишлаб чиқариш ускуналарини  
ўрнатиш ва ишга тушириш фаолияти билан  
шуғуланувчи тадбиркорликнинг кичик бизнес  
субъектларига айланма солиқ тўловидан маъ-  
лум миқдорида имтиёз берилиши даркор.

Биз юқорида берилган бу таклифлар орқа-  
ли қўйидаги натижаларга эришишни назарда  
тутганмиз:

- ерлардан самарали фойдаланиш даражаси ортади;
- ҳалқимизнинг кам таъминланган аҳоли-  
си ижтимоий жиҳатдан юксак ҳимояланади;
- солиқ юки турли қатлам вакиллари  
орасида имкон қадар тенг тақсимланади;
- ҳуфёна иқтисодиётнинг олди олинади;
- солиқ базаси кенгаяди;
- давлат бюджетига тушумлар миқдори  
сезиларли равишда ортади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. George H., Kooafkan P, FOOD AND AGRICULTURE ORGANIZATION OF THE UNITED NATIONS ROME, 2011
2. Мирзиёев Ш.М. (2019) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга  
Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ. 64 б.
3. Quesnay, F. (1756), 'The General Maxims for the Economic Government of an Agricultural Kingdom', in R.L. Meek (1963).
4. Smith, A., (1776), *The Wealth of Nations*, Book 1. Lond. Methuen Co.
5. Ricardo, D. (1817), 'The Principles of Political Economy and Taxation', Dutton, New York.

6. Henry George, *Progress and Poverty* (New York: Robert Schalkenbach Foundation, 1979 [1879])  
7. Susan L Roakes *Land Use Policy*, Vol. 13, No. 4, pp. 261-272, 1996 Copyright © 1996 Elsevier Science Ltd Printed in Great Britain.
8. Файбуллаев О, Ўроқов У. (2016). Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: ўқув қўлланма. Тошкент: Baktria press. – 21 б.
9. Маликов Т. Солиқлар ва солиқча тортининг долзарб масалалари. Т.: Академия, 2002. 116 б.
10. Ламперт Я. 1993. Некоторые современные принципы налогообложения. М.: ГПНТБ, 2-б.
11. <https://cleartax.in/f/company/hivi-precision-private> imited
12. <http://www.bff-online.de> (Германия федератив республикасининг молия бўйича федерал идораси маълумотлари);
13. <http://www.irs.ustreas.gov> (АҚШ ички даромадлари хизматининг материаллари);
14. Shamsutdinov F.Sh., Shamsutdinova Sh.F. Xorijiy mamlakatlar soliq tizimi. (Darslik). —Т.: Fan va texnologiya, 2011. - 508 bet. ISBN 978-9943-10-553-9
15. <http://www.finances.gouv.fr/DGI> (Франция солиқ бош бошқармасининг материаллари);
16. <https://www.japan-guide.com/e/e2206.html> (Япония солиқ агентлиги материаллари).
17. Shamsutdinov F.Sh., Shamsutdinova Sh.F. Xorijiy mamlakatlar soliq tizimi. (Darslik). —Т.: Fan va texnologiya, 2011. - 508 bet. ISBN 978-9943-10-553-9
18. <http://www.chinatax.gov.cn/eng/n2367736/index.html>.
19. Shamsutdinov F.Sh., Shamsutdinova Sh.F. Xorijiy mamlakatlar soliq tizimi. (Darslik). —Т.: Fan va texnologiya, 2011. - 508 bet. ISBN 978-9943-10-553-9
20. <http://www.rsv.se>. (Швеция давлат солиқ бошқармасининг материаллари).
21. Shamsutdinov F.Sh., Shamsutdinova Sh.F. Xorijiy mamlakatlar soliq tizimi. (Darslik). —Т.: Fan va texnologiya, 2011. - 508 bet. ISBN 978-9943-10-553-9



### JAHON SOLIQQA TORTISH TIZIMIDA SOLIQ BAZASINI ANIQLASH XUSUSIYATLARI

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a33](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a33)

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich -  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
i.f.d., professor

Xalikchayeva Sadokat Ilhomjonovna -  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
huzuridagi "O'zbekiston iqtisodiyotini  
rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari"  
ilmiy-tadqiqot markazi doktoranti

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada jahon soliq tizimida mayjud soliq turlari va ularning soliq bazasini aniqlash jarayonlari, xususiyatlari, tartiblari haqida ma'lumotlar keltirilgan. Qolaversa, ma'lum bir soliqlarning bazasi, shuningdek, bazaga ta'sir etuvchi omillar xususida alohida mulohazalar yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** soliqlar, soliq tizimi, soliq siyosati, foyda, daromad, soliq bazasi, soliq kodeksi, soliq imtiyozlari, xarajatlar.

### ОСОБЕННОСТИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ НАЛОГОВОЙ БАЗЫ В МИРОВОЙ СИСТЕМЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ

Худойкулов Садирдин Каримович-  
ТГЭУ доктор экономических наук, профессор  
Халикчева Садокат Ильхомжановна -  
Докторант Научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы экономического  
развития Узбекистана» Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о видах налогов, имеющихся в мировой налоговой системе, а также о процессах, особенностях и порядке определения их налоговой базы. Кроме того, особое внимание уделялось базе некоторых налогов, а также факторам, влияющим на базу.

**Ключевые слова:** налоги, налоговая система, налоговая политика, прибыль, доход, налоговая база, налоговый кодекс, налоговый кредит, расходы.